


Уялманг ва... уялинг!



17:00 / 01.03.2022 2434

Салмон розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Мушриклардан бири истеҳзо қилиб унга: «Соҳибингизнинг (яъни пайғамбарингизнинг) сизларга ҳамма нарсани, ҳатто қазои ҳожатни ҳам ўргатаётганини кўряпман-а», деди. У: «Ҳа, у зот бизга (қазои ҳожатда) қиблага юзланмасликни, ўнг қўл билан истинжо қилмасликни, учтадан кам тош ишлатмасликни, учтанинг ичида (бирортаси ҳам) тезак ва суяк бўлмаслигини», буюрганлар», деб жавоб берди *(Муслим ва Аҳмад ривояти)*.

Салмон Форсий у мушрикнинг гапидан уялмади, уни жеркиб ҳам бермади, унинг пичинггига сукут ҳам қилмади. Аксинча, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўрсатмалари муҳим ва жиддий эканини, уни қабул қилишда қайсарлик ёки уялишни тарк қилиш вожиб эканини билдириб қўйди. Ҳа, саҳобаи киромлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларидан ҳаё қилмаганлар. Шунинг учун улар пешво уммат бўлишган.

Қуръон ва ҳадис ўқишдан ёки тинглашдан уялманг! Лекин бемаъни, беҳаё шеърлар ўқишдан, тайини йўқ мусиқани тинглаш ва видеолавҳаларни кўришдан уялинг!

Жаннатга элтувчи амалларни қилишдан уялманг! Аксинча, дўзахга олиб кирувчи амалларни қилишдан уялинг!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишдан уялманг! Аммо «Одамлар нима деркин?» деб бидъат-хурофот ва маъсият ишларни қилишдан уялинг!

Камтарона, енгилгина ҳаёт кечиришдан уялманг! Ортиқча ҳузур-ҳаловатда ва маишатда яшашдан уялинг!

Кичкина тўй қилиб бўлса-да, ҳалол йўл билан уйланишдан уялманг! Аммо фаҳш ишларга пул сарфлаб, ҳаром юришдан, зинодан уялинг!

Таомланганда идишни ялаб қўйишдан уялманг! Лекин таомни исроф қилишдан уялинг!

Ҳеч назарга илмаса ҳам, ҳалол касб қилишдан уялманг! Лекин рибо, порахўрлик кабиларни касб қилишдан уялинг!

Иймонга таяниб, Аллоҳнинг қисматига, тақдирига рози бўлиб яшашдан уялманг! Аммо фолбинма-фолбин юриб, амал-жоду қилишдан уялинг!

Зулмни яхшилик билан даф қилишдан уялманг! Бироқ Қиёмат куни Аллоҳга У Зот сизга ғазаб қилган ҳолда золим бўлиб йўлиқишдан уялинг!

Дўстларингиз олдида ота-онангизга қулоқ солиб, итоат қилишдан уялманг! Лекин ота-онани норози қилиб вафот этишдан уялинг!

Дўстларингизнинг камбағаллигидан уялманг! Аммо дунё сабаб бўлиб дўстлардан воз кечишдан уялинг!..

Қудратуллоҳ Сидиқметов

«Ҳилол» журналининг 1(34) сонидан